

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

МАМАДИЁРОВ ФАРХОД ДОНИЁРОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР ХОССАЛАРИГА
ОРГАНИК ЎҒИТЛАР, ДУККАКЛИ ДОН ВА ЕМ-ХАШАК
ЭКИНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ (Қашқадарё вилояти шароитида)**

06.01.03 – «Агротупроқшунослик ва агрофизика»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of (PhD) doctoral dissertation

Мамадиёров Фарход Дониёрович

Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар хоссаларига органик ўғитлар, дуккакли дон ва ем-хашак экинларнинг таъсири (Қашқадарё вилояти шароитида)..... 3

Мамадиёров Фарход Дониёрович

Влияние органических удобрений, бобовых и кормовых культур на свойства орошаемых светлых сероземных почв (в условиях Кашкадарьинской области)..... 21

Mamadiyurov Farkhod Doniyorovich

The effect of organic fertilizers, legumes and forage crops on the properties of irrigated light sierozem soils (in the conditions of Kashkadarya region)..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

МАМАДИЁРОВ ФАРХОД ДОНИЁРОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР ХОССАЛАРИГА
ОРГАНИК ЎҒИТЛАР, ДУККАКЛИ ДОН ВА ЕМ-ХАШАК
ЭКИНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ (Қашқадарё вилояти шароитида)**

06.01.03 – «Агротупроқшунослик ва агрофизика»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Qx556 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.soil.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Гафурова Лазиза Акрамовна**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қурвантөев Раҳмонтой**
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти

Закирова Саноатхон Хомдомовна
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент
Фарғона давлат университети

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc 25/30.12.2019 Qx/B 43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «02» 03 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ТАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (59 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ТАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «14» 02 кuni тарқатилди
(2022 йил «14» 02 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



Ш.М.Бобомуродов
Илмий даражадор берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

Ж.М.Қўниев
Илмий даражадор берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.д., катта илмий ходим

Н.Ю.Абдурахмонов
Илмий даражадор берувчи илмий кенгаш
қонвидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда «дунё қишлоқ хўжалигининг беқарор амалиётлари туфайли охириги 40 йил ичида маҳсулотларини ишлаб чиқаришга лаёқатли бўлган экин майдонларининг учдан бир қисми, тахминан 430 миллион гектар ер майдонлари қисқарди. Қишлоқ хўжалигини муҳофаза қилишда деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш учун 80 дан ортиқ мамлакатларда қарийиб 200 миллион гектардан кўп экин майдонларини қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб кетишни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва қўлланилди»¹. Шу сабабли тупроқлар унумдорлигини қайта тиклаш, сақлаш ва оширишда органик ўғитлардан кенг фойдаланиш, ем-хашак, такрорий ва сидерат экинларини экиш орқали тупроқларнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига бўлган таъсирини аниқлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёда тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ҳамда ўсимлик қолдиқларини тупроққа қайтариш, минимал ишлов бериш ва майший чиқиндилардан органик ўғитлар тайёрлаб қўллаш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада, минтақаларнинг тупроқ-иклим шароитларидан келиб чиқиб, тупроқларнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва бошқа хоссаларини мақбуллаштириш, ҳар бир минтақанинг тупроқ иқлим шароитидан келиб чиқиб агротадбирларни ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва оширишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда суғориладиган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини яхшилаш, шаҳар чиқиндиларидан самарали фойдаланиб органик ўғитлар тайёрлаб қўллаш, тупроқда озика моддалар тўпловчи ва сидерат экинларни экиш ҳамда тупроққа минимал ишлов бериш агротадбирлари олиб борилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонида «...тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш», «...ерга ишлов бериш ва экинларни парваришланишнинг илғор инновацион технологияларни амалиётга тадбиқ этиш ҳисобига агротехник тадбирлар сонини камайтириш» ва «шаҳар ва шаҳар атрофидан чиқаётган озик-овқат, хўжалик, чорва ҳамда бошқа органик чиқиндиларни тўплаш ҳамда замонавий технологияларни қўллаган ҳолда органик ўғитлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига етказиб бериш»² бўйича вазифалар белгилаб берилган. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида озик-овқат маҳсулотларини етиштириш билан бир қаторда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда иқтисодий жиҳатдан самарали

¹ <https://www.fao.org/news/story/en/item/1412745/icode/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони

бўлган агротадбирларни ишлаб чиқиш республикаимиз учун долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида»ги ва 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ва тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган тупроқларнинг морфологик белгилари, агрофизикавий, агрокимёвий, физик-кимёвий хоссаларини комплекс ўрганиш, уларнинг унумдорлигини оширишда органик ўғитлар тайёрлаб қўллаш, тупроққа минимал ишлов бериш, дуккакли ва сидерат экинларни экиш бўйича хорижлик олимлардан Rattan Lal, Jan Barwicki, Kamila Manzur, Kinga Borek, Witold Wardal, М.А.Мазиров, Н.С.Матюк, В.А.Николаев ҳамда республика олимлари А.Ф.Скрябин, М.У.Умаров, А.М.Расулов, И.Т.Туропов, Л.Т.Турсунов, Ж.Саттаров, С.А.Абдуллаев, Р.Қ.Қўзиев, М.М.Тошқўзиев, Л.А.Гафурова, Б.И.Ниязалиев, Р.Қурвантаев, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.А.Асқарходжаев, Ф.Б.Намозов, А.А.Мусурманов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, ҳозирга қадар олиб борилган тадқиқотларда Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқларида маҳаллий чиқиндилар асосида органик ўғитлар тайёрлаб қўллаш, дуккакли дон ва ем-хашак экинларини ресурстежамкор усулда экиш ҳамда улардан сидерат сифатида фойдаланишнинг тупроқни агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларига таъсири механизмини аниқлаш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ВА-ҚХФ-5-014 «Республиканинг жанубий минтақалари ғўза ва ғалла навбатлаб экиш тизимида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг илмий асослари» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё вилоятида тарқалган суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар хоссаларига органик ўғитлар қўллаш, дуккакли экинларни экишнинг таъсирини аниқлаш орқали тупроқларнинг

агрофизикавий хоссаларини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг морфогенетик, агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларини ўрганиш;

маҳаллий чиқиндилар асосида органик ўғитлар тайёрлаш жараёнида уюмдаги биомассанинг кимёвий ва физик кўрсаткичларини аниқлаш;

суғориладиган оч тусли бўз тупроқларга органик ўғитлар қўллаш, такрорий экин - мошни ресурстежамкор (тупроққа ишлов бермасдан анғизга тўғридан-тўғри экиш) усулда экишнинг тупроқ агрофизикавий хоссаларига таъсирини корелляцион боғлиқлик асосида ўрганиш;

кузги буғдой билан беда экиш ва беда кўк массасини сидерат сифатида қайтаришнинг тупроқ агрофизикавий хоссаларига таъсирини ўрганиш;

органик ўғитлар қўллаш, буғдой билан беда экиш (2 йил) ва беда кўк массасини сидерат сифатида тупроққа киритишнинг агрофизикавий хоссаларига таъсирини корелляцион боғлиқлик асосида ўрганиш;

суғориладиган оч тусли бўз тупроқларни унумдорлигини оширишда органик ўғитлар қўллаш, дон ва дуккакли экинларни экиш бўйича тавсия ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилояти Қарши туманида тарқалган суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар, кузги буғдойнинг «Ғозфон» нави, беданинг «Тошкент-1» нави ва мошнинг «Дурдона» нави танланган.

Тадқиқотнинг предмети тупроқларнинг озика элементлар миқдори, ҳажм оғирлиги, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги, маҳаллий чиқиндилардан органик ўғитлар тайёрлаш, дон ва дуккакли экинларни ресурстежамкор усулида экиш ва уларнинг кўк массасини сидерат сифатида фойдаланиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида олиб борилди. Дала тадқиқотлари собиқ ЎзПИТИ нинг «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» бўйича; доннинг сифати «Буғдой тайёрлаш ва етказиб беришдаги талаблар» ЎзДСт 880 бўйича; тупроқ таҳлиллари Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв» ва собиқ ЎзПИТИ нинг «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услубларидан фойдаланилган. Олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлиллари Б.А.Доспеховнинг «Методы полевого опыта» қўлланмаси ва Microsoft Excel дастури ёрдамида дисперсион услубда ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда кузги буғдойга ҳамкор экин сифатида беда экиш ҳамда унинг кўк массани сидерат қилиш натижасида тупроқларнинг агрофизикавий хоссаларига ижобий таъсири – ҳажм оғирлигини камайиши, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги, намлиги ва озика моддалар миқдорларининг ортиши асосланган;

органик ўғитлар ҳамда дон ва дуккакли экинларни ресурстежамкор усулда экиш ва сидерат сифатида тупроққа киритиш тупроқ хоссаларига

ижобий таъсир этиб, агрокимёвий (гумус, NPK) кўрсаткичлари 5,5-46,9 - фоизгача ортиши аниқланган.

тупроқларнинг агрофизикавий (ҳажм оғирлиги, ғоваклиги ва сув ўтказувчанлиги каби) хоссалари билан кузги буғдой дон ҳосилдорлиги ҳамда ҳосил сифати ўртасида корелляцион боғлиқлик аниқланган;

органик ўғитлар тайёрлаш, қўллаш ҳамда дуккакли экинлар экиш ва уларнинг кўк массасини сидерат сифатида тупроққа қўллашга доир агротадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқларининг морфогенетик тузилиши, агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларини ҳозирги ҳолати аниқланган ва органик ўғитлар қўллаш, дон ва дуккакли экинларни ресурстежамкор усулларда экишнинг тупроқлар хоссаларига таъсири аниқланган;

органик ўғитлар қўллаш, дон ва дуккакли экинларни ресурстежамкор усулларда экиш асосида «Кузги буғдой экиш тизими асосида тупроқ унумдорлик хоссаларини яхшилаш, органик ўғитлар тайёрлаб қўллаш, дуккакли ем-хашак экинларни экиш ва уларнинг кўк массасини тупроққа киритиш агротадбирлари» бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган;

суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда органик ўғитлар қўллаш, дон ва дуккакли экинларни ресурстежамкор усулларда экиш натижасида тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0,08 г/см³ га камайганлиги, тупроқнинг ғоваклиги 3,0 фоизга, сув ўтказувчанлиги 84 м³/га, гумус миқдори 0,023 фоизга, умумий азот миқдори 0,003 фоизга, азотнинг ҳаракатчан (N – NO₃) шакли 2,3 мг/кг га, ҳаракатчан фосфор (P₂O₅) миқдори 3,8 мг/кг га, алмашинувчан калий (K₂O) миқдори 15 мг/кг га ортганлиги ҳамда кузги буғдойдан 71,6 ц/га ҳосил олинган ва рентабеллик даражаси эса 35,1 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар дала ва лаборатория усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссалари ҳамда доннинг сифат кўрсаткичлари замонавий лабораторияларда бажарилганлиги, назарий ва амалий натижалар бир-бирига мослиги, тадқиқот натижалари республика ва ҳалқаро миқёсидаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, Олий Аттестация Комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларида чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Қашқадарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг морфологик белгилари, агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларининг ҳозирги ҳолати аниқланганлиги, органик ўғитларни тайёрлаб қўллаш, дуккакли дон ва ем-хашак экинларини экиш, уларнинг кўк массасини сидерат қилиш орқали тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссалари ва кузги буғдой дон ҳосили ҳамда сифатига ижобий таъсирининг илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг қишлоқ хўжалигида органик ўғитларни тайёрлаб қўллаш, дуккакли ем-хашак экинларини экиш ҳамда уларни кўк массасини сидерат қилиш агротадбирлари орқали тупроқларнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларини яхшилаш ҳамда экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Қашқадарё вилояти шароитида суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар хоссаларига органик ўғитлар, дуккакли дон ва ем-хашак экинларининг таъсирининг аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Кузги буғдой экиш тизимида, тупроқ унумдорлик хоссаларини яхшилашда, органик ўғитлар тайёрлаб қўллаш, дуккакли ем-хашак экинларни экиш ва уларнинг кўк массасини тупроққа киритиш агротадбирлари» бўйича тавсиянома ишлаб чиқилиб қишлоқ хўжалик амалиётига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 9 январдаги 02/021-67-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу тавсиялар республиканинг барча вилоятлари қишлоқ хўжалиги бошқармалари ҳамда ғаллачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилган;

суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар хоссаларини яхшилашда органик ўғитлар қўллаш, дуккакли экинлар экиш ва сидерат қилиш агротадбирлар ишлаб чиқилиб, ДДЭИТИ Қашқадарё филиали Қарши агроучасткасида 15 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 9 январдаги 02/021-67-сон маълумотномаси). Натижада, суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг ҳайдалма қатлами тупроғининг ҳажм оғирлиги $0,08 \text{ г/см}^3$ га камайганлиги, тупроқнинг ғоваклиги 2,9 фоизга, сув ўтказувчанлиги $83 \text{ м}^3/\text{га}$, гумус миқдори 0,021 фоизга, умумий азот миқдори 0,003 фоизга, азотнинг ҳаракатчан ($\text{N} - \text{NO}_3$) шакли 2,3 мг/кг га, ҳаракатчан фосфор (P_2O_5) миқдори 3,8 мг/кг га, алмашинувчан калий (K_2O) миқдори 15,7 мг/кг га ортган;

суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар хоссаларини яхшилашда органик ўғитларни қўллаш, дуккакли экинлар экиш ва сидерат қилиш агротадбирлари ишлаб чиқилиб, Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги «Истикбол Нишонаси» фермер хўжалигида 24 гектар, «Қирққулоч Ифтихори» фермер хўжалигида 18 гектарда, жами 42 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 9 январдаги 02/021-67-сон маълумотномаси). Натижада, кузги буғдойдан 57,4 ц/га дон ва бедадан 35,2 ц/га пичан етиштириш ҳамда тадқиқотнинг 3-йилида эса кузги буғдойдан 70,8 ц/га ҳосил олишга эришилган.

суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар хоссаларини яхшилашда органик ўғитларни қўллаш, дуккакли экинлар экиш ва сидерат қилиш агротадбирлари ишлаб чиқилиб, ДДЭИТИ Қашқадарё филиали Қарши агроучасткасида 15 гектар, Нишон туманидаги «Истикбол Нишонаси» фермер хўжалигида 24 гектар, «Қирққулоч Ифтихори» фермер хўжалигида 18 гектарда, жами 57 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг

2021 йил 9 январдаги 02/021-67-сон маълумотномаси). Натижада, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ўрта ҳисобда бир гектар кузги буғдой етиштиришга сарфланган харажатлар 6,3 млн. сўм, соф даромад 2,2 млн. сўмни, рентабеллик даражаси 35,1 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан 2 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та тавсиянома ҳамда 1 та дастурий таъминот муаллифлик гувоҳномаси олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ифодаланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Органик ўғитлар тайёрлаб қўллаш, дуккакли экинлар экишнинг тупроқ унумдорлик хоссаларига таъсири бўйича адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида тупроқ унумдорлигига таъсир этувчи омиллар ва тупроқ унумдорлик хоссаларини яхшилашда олиб борилган тадбирлар бўйича республика ҳамда хорижий тадқиқотлар натижалари, адабиётлар таҳлили ёритилган. Шунингдек, дон ва дуккакли экинлар етиштиришда ҳосилдорлик ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалий тавсия ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектининг табиий-иқлим шароитлари ва тадқиқот олиб бориш услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг географик ўрни, иқлими, литологик, геомофологик ва гидрогеологик шароитлари, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, тупроқлари, тупроқ пайдо қилувчи она жинси, уларнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти, тупроқларнинг умумий таснифи, тадқиқот олиб бориш услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Нишон туманларида тарқалган суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг хосса-хусусиятларини ўрганилиб, тупроқларнинг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларини яхшилаш бўйича

тажриба олиб бориш учун Қарши туманидаги Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалиги таянч сифатида олинган.

Тажриба майдон денгиз сатҳидан 336 метр баландликда, 38°48'18.4 шимолий кенгликда, 065°34'53.8 шарқий узунликда жойлашган бўлиб, тупроқлари – суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар. Қарши метеостанция маълумотида (2016 – 2019 йй.), йиллик ўртача ҳавонинг ҳарорати +16,7 °С, ёғин миқдори 207,1 мм, нисбий намлик 51,6 %. Дала тажрибаси 6 вариант ва 4 такрорликда олиб борилган (1-жадвал).

Тупроқнинг механик таркиби кесма бўйлаб йирик қум заррачалари миқдори 0,71-1,12%, ўрта қум заррачалари 0,03-0,05%, майда қум заррачалар 25,40-32,56%, физик лойнинг миқдори 30,93-45,71% оралиғида бўлиб, ҳайдалма (0 - 28 см) қатлам зичлиги 1,38 г/см³, солиштирма оғирлиги 2,66 г/см³, ғоваклиги 48,7%, сув ўтказувчанлиги (6 соат) 929 м³/га, қуруқ қолдиқ 0,207%, Сl 0,021%, SO₄⁻ 0,062%, Са⁺⁺ 0,031%, Mg⁺⁺ 0,012%, карбонат (СО₂) 5,7%; гумус 0,708%, умумий азот миқдори 0,077%, фосфор 0,180%, калий 2,30%, ҳаракатчан азот (NO₃⁻) миқдори 6,8 мг/кг, ҳаракатчан фосфор (Р₂О₅) 20,2 мг/кг, алмашинувчан калий (K₂O) 260 мг/кг ни ташкил этган.

1-жадвал

Тажриба тизими

(Жанубий деҳқончилик ИТИ тажриба майдони, 2016 – 2019 йй.)

№	Экин тури	Нав	Органик ўғит, т/га	Ўғит меъёри, кг/га		
				N	P	K
1	Кузги буғдой	«Ғозғон»	-	-	-	-
2	Кузги буғдой	«Ғозғон»	-	180	90	60
3	Кузги буғдой+мош	«Ғозғон»	-	180	90	60
4	Кузги буғдой+мош	«Ғозғон»	20	180	90	60
5	*Кузги буғдой+беда	«Ғозғон»	-	180	90	60
6	* Кузги буғдой+беда	«Ғозғон»	20	180	90	60

Изоҳ: 4 ва 6 – вариантларда фақат 1-йил 20 т/га органик ўғит қўлланилган. 3 ва 4 вариантларда такрорий экин сифатида 3 йил мош экилган

Диссертациянинг «Тупроқ хоссаларига органик ўғитлар тайёрлаб қўллаш, дуккакли экинлар экишнинг таъсири» деб номланган учинчи боби тўрт бўлимдан иборат бўлиб, «Органик ўғит тайёрлашда хом ашё манбалари ва уларнинг кимёвий таркибини ўрганиш» деб номланган биринчи

* – Икки йиллик буғдой+беда етиштириш ва беда кўк массасини сидерат қилиш агротадбирлари. **Биринчи йил** – Кузда экилган буғдой орасига бедани баҳорги муддатда (бегона ўтларга қарши кураш тадбирларидан кейин) 20 кг/га меъёрида сочма усулда экилади. Беда ҳаво ҳарорати ўртача +18-23 °С да, 5-6 кунда униб чиқади. Бир майдонга экилган буғдой ва беда парваришланиб, июнь ойининг I-ўн кунлигида буғдойдан дон ҳосили ўриб олинади. Сўнгра беда парвариши давом эттирилиб, мавсум давомида III ўрим ўтказилади. **Иккинчи йил** – кузги буғдой экиш учун Фанкхаузер – 2115 мосламаси орқали ресурстежамкор усулида бедапояга буғдой экилади (беданинг кўчат сонини ҳисобга олиш керак. Агар кўчат сони 1 м²/20-23 дона бўлса, буғдойнинг туп сони, ўсиб-ривожланиши ва ҳосили нисбатан юқори бўлади. Аксинча, кўчат сони 1 м²/25-30 дондан кўп бўлса, бедапоя кўндалангига чизиллаб кўчат сони камайтирилади(дон ҳосилини юқори бўлиши учун). Кузги буғдой дон ҳосили олингандан кейин беда парваришланиб, III ўрим ўтказилади ва IV ўрим кўк массаси сидерат сифатида шудгор остига киритилади.

бўлимида маҳаллий чиқиндилар манбалари таркиби ўрганилган. Органик масса аралашмаси таркибида умумий N; P; K миқдори тегишлича 0,62; 0,21; 1,09% ни ташкил қилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Мазкур бобнинг «Органик ўғит тайёрлашда физик ва кимёвий жараёнларини ўрганиши» деб номланган иккинчи бўлимида, органик ўғит тайёрлашда, уюмнинг 0-25, 25-50 ва 50-75 см қатламлари бўйича физик ва кимёвий хоссаларини аниқланганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Натижаларга кўра, уюмдаги ҳарорат қатламлар бўйича 1-чи ўн кунликда (+41,9; +58,3; +76,4 °C), 2-чи ўн кунлигида (ўртача +104,5°C), кейинги ўн кунликларда деярли бир маромда пасайган. Охириги II ва III ўн кунликлар ўртасидаги ҳароратнинг (ўртача +0,9 °C) фарқи таъкидланган.

Уюмдаги органик массани дастлабки электр ўтказувчанлиги 2,57 mS, 90-чи кундан кейин 1,98 mS ни ташкил этган. Уюмдаги pH кўрсаткичи эса дастлаб ўртача pH-6,35, якуний кўрсаткичлари (pH 7,59) юқори бўлганлиги таъкидланган. Маҳаллий чиқиндиларнинг дастлабки намлиги 54% бўлиб, якунда 23,2 фоизгача кайиши таъкидланган.

Органик ўғит тайёрлаш мобайнида умумий азот миқдори дастлаб 0,62 фоизни, охирида 0,44 фоизни ташкил этган. Намлик миқдори эса дастлабки миқдорига нисбатан 30,8%, умумий азот 1,06%, куруқ модда 17,2% га камайиши аниқланган. Органик ўғит таркибидаги фосфор ва калийнинг умумий миқдори тегишлича 0,036; 0,187% ортганлиги ёки тайёрланган органик ўғит таркибида P-0,25%; K-1,317% ташкил этган.


Мазкур бобнинг «Тупроқнинг умумий физикавий хоссаларига органик ўғитлар, дуккакли дон ва ем-хашак экинларининг таъсири» деб номланган учинчи бўлимида кузги буғдой экишда ҳайдалма (0-28 см) ва ҳайдалма ости (28-46 см) қатламларда тупроқнинг ҳажм оғирлиги амал даври охирида дастлабкига нисбатан назорат $N_0P_0K_0$ (ўғитсиз) 1-вариантда тегишлича 0,05; 0,02 г/см³ га, маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган 2-вариантда 0,02; 0,01 г/см³ га ортганлиги, маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдойдан кейин такрорий экин - мош экилган 3-вариантда 0,06; 0,05 г/см³; 20 т/га органик ва маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдойдан кейин такрорий экин - мош экилган 4-вариантда 0,08; 0,06 г/см³; маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдой билан беда (2-йил) экилган ва беда кўк массаси (2-йил амал даври охирида) сидерат қилинган 5-вариантда 0,08; 0,07 г/см³ га, 20 т/га органик ва маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдой билан беда (2-йил) экилган ва беда кўк массаси сидерат қилинган мақбул 6-вариантда 0,10; 0,08 г/см³ га камайганлиги баён этилган (1-расм).

Кузги буғдой экишда ҳайдалма (0-28 см) ва ҳайдалма ости (28-46 см) қатламларда тупроқнинг ғоваклиги амал даври охирида дастлабкига нисбатан назорат $N_0P_0K_0$ (ўғитсиз) 1-вариантда тегишлича 1,9; 0,7% га ва маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган 2-вариантда 0,7; 0,1% га камайганлиги, маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдойдан кейин такрорий экин - мош экилган 3-вариантда 2,3; 1,9% га, 20 т/га органик ва маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдойдан кейин такрорий экин - мош экилган 4-вариантда 3,0; 2,2% га, маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдой

билан беда экилган ва беда кўк массаси сидерат қилинган 5-вариантда 3,0; 2,6% га, 20 т/га органик ва маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдой билан беда экилган ва беда кўк массаси сидерат қилинган мақбул 6-вариантда, 3,8; 3,0% га ортганлиги таъкидланган (2-расм).




1-расм. Тупроқнинг зичлигига органик ўғитлар, дуккакли экинларининг таъсири




2-расм. Тупроқнинг ғоваклигига органик ўғитлар, дуккакли экинларининг таъсири

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги тупроқда тўпланадиган органик қисм билан боғлиқдир. Дон ва дуккакли экинлар экилиши натижасида тупроқда маълум даражада ўсимлик қолдиқлари тўпланади. Бу тупроқнинг нам тутиб туришини мақбуллаштиради. Айниқса, жанубий минтақа тупроқ – иқлим шароитларида, кузги буғдойнинг мум – пишиш даврида тупроқни маълум даражада намлик билан таъминлайди (кузги буғдойнинг ўсув даврини 3-4 кунга узайтирган). Натижада, бошоқдаги дон тўлишини нисбатан яхшиланиб, кузги буғдойнинг мажбуран пишишининг олдини олади.

Кузги буғдой экишда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги амал даври охирида даствабкига нисбатан назорат ($N_0P_0K_0$) 1-вариантда 32 м³/га камайганлиги; маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган 2-вариантда 35 м³/га; маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилиб, буғдойдан кейин такрорий экин - мош экилган 3-вариантда 152 м³/га; 20 т/га органик ва маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдойдан кейин такрорий экин - мош экилган 4-вариантда 163 м³/га; маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдой билан бедани (2-йил) экиб, беда кўк массаси сидерат қилинган 5-вариантда 187 м³/га; 20 т/га органик ва маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдой билан беда экилиб, беда кўк массаси сидерат қилинган мақбул 6-вариантда, 217 м³/га ортганлиги баён этилган (3-расм).



3-расм. Сув ўтказувчанлигига органик ўғитлар, дуккакли экинларининг таъсири



4-расм. Тупроқнинг намлигига органик ўғитлар, дуккакли экинларининг таъсири

Тупроқнинг намлиги (0-46 см) амал даври охирида дастлабкига нисбатан назорат ($N_0P_0K_0$) 1-вариантда 0,4% га камайган бўлса, маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган 2-вариантда 0,1% га ортган. Маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдойдан кейин такрорий экин - мош экилган 3-вариантда 1,4%; 20 т/га органик ўғит ва маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдойдан кейин такрорий экин - мош экилган 4-вариантда 2,2%; маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдой билан беда экилган ва беда кўк массаси сидерат қилинган 5-вариантда 1,9%; 20 т/га органик ўғит ва маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдой билан беда экилиб, беда кўк массаси сидерат қилинган макбул 6-вариантда, 2,7% га ортган (4-расм).

Мазкур бобнинг «Тупроқнинг агрохимёвий хоссаларига органик ўғитлар, дуккакли дон ва ем-хашак экинларининг таъсири» деб номланган тўртинчи бўлимида кузги буғдой экишда ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларда, тупроқнинг агрохимёвий хоссалари амал даври охирида назорат ($N_0P_0K_0$) 1-вариантда гумус тегишлича 0,691; 0,644%, умумий азот 0,074; 0,063%, $N-NO_3$ 2,7; 1,8 мг/кг, P_2O_5 14,3; 12,2 мг/кг, K_2O 206; 203 мг/кг; маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган 2-вариантда тегишлича гумус 0,702; 0,651%, умумий азот 0,076; 0,064%, $N-NO_3$ 5,4; 4,6 мг/кг, P_2O_5 23,3; 15,5 мг/кг, K_2O 239; 224 мг/кг бўлиб, дастлабкига нисбатан камайган (2-жадвал).

2-жадвал

Тупроқнинг агрохимёвий хоссаларига органик ўғитлар ва дуккакли экинларининг таъсири

(Жанубий деҳқончилик ИТИ тажриба майдони, 2016 – 2019 йй.)

Тажриба вариантлари	Қатлам, см	Дастлабки, 2016 й. куз					Амал даври охирида 2019 й. куз				
		Гумус, %	Азот, %	Харакатчан, мг/кг			Гумус, %	Азот, %	Харакатчан, мг/кг		
				NO_3	P_2O_5	K_2O			NO_3	P_2O_5	K_2O
Кузги буғдой $N_0P_0K_0$	0-28	0,708	0,077	6,8	20,2	260	0,691	0,074	2,7	14,3	206
	29-46	0,653	0,064	6,5	15,7	240	0,644	0,063	1,8	12,2	203
Фон – $N_{180}P_{90}K_{60}$	0-28	0,708	0,077	6,8	20,2	260	0,702	0,076	5,4	23,3	239
	29-46	0,653	0,064	6,5	15,7	240	0,651	0,064	4,6	15,5	224
Фон+Мош	0-28	0,708	0,077	6,8	20,2	260	0,725	0,080	10,1	24,5	247
	29-46	0,653	0,064	6,5	15,7	240	0,658	0,066	8,7	16,2	231
20 т/га органик ўғит+Фон+Мош	0-28	0,708	0,077	6,8	20,2	260	0,735	0,082	13,0	26,2	284
	29-46	0,653	0,064	6,5	15,7	240	0,661	0,066	9,5	16,3	251
Фон+Беда $N_{180}P_{90}K_{60}$	0-28	0,708	0,077	6,8	20,2	260	0,722	0,081	9,2	25,0	242
	29-46	0,653	0,064	6,5	15,7	240	0,659	0,066	8,2	16,1	229
20 т/га органик ўғит+Фон+Беда	0-28	0,708	0,077	6,8	20,2	260	0,740	0,084	12,8	26,7	281
	29-46	0,653	0,064	6,5	15,7	240	0,674	0,068	9,4	16,5	248

Маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилиб, буғдойдан кейин такрорий экин - мош экилган 3-вариантда тегишлича гумус 0,725; 0,658%, умумий азот 0,080; 0,066%, $N-NO_3$ 10,1; 8,7 мг/кг, P_2O_5 24,5; 16,2 мг/кг, K_2O 247; 231 мг/кг; 20 т/га органик ва маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилиб, буғдойдан кейин мош экилган 4-вариантда гумус 0,735; 0,661%, умумий азот 0,082; 0,066%, $N-NO_3$ 13,0; 9,5 мг/кг, P_2O_5 26,2; 16,3 мг/кг, K_2O 284; 251 мг/кг; маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдой билан беда экилиб, беда кўк

массаси сидерат қилинган 5-вариантда тегишлича гумус 0,722; 0,659%, умумий азот 0,081; 0,066%, N-NO₃ 9,2; 8,2 мг/кг, P₂O₅ 25; 16,1 мг/кг, K₂O 242; 229 мг/кг; 20 т/га органик ва маъдан ўғитлар (N₁₈₀P₉₀K₆₀) қўлланилган буғдой билан беда экилиб, беда кўк массаси сидерат қилинган мақбул 6-вариантда гумус 0,740; 0,674%, умумий азот 0,084; 0,068%, N-NO₃ 12,8; 9,4 мг/кг, P₂O₅ 26,7; 16,5 мг/кг, K₂O 281; 248 мг/кг ташкил этиб, гумус ва озика моддалар миқдори дастлабки кўрсаткичларга нисбатан тупроққа киритилган органик ўғит, сидератлар ҳамда тупроқда тўпланадиган илдиз ва анғиз қолдиқлари ҳисобига ортганлиги акс эттирилган.

Диссертациянинг «**Тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигини оширишда органик ўғитлардан ва ўсимлик қолдиқлардан самарали фойдаланиш йўллари**» деб номланган тўртинчи боби тўрт бўлимдан иборат бўлиб, «*Кузги буғдойнинг ўсиб-ривожланишига органик ўғитлар қўллаш, дуққакли экинлар экишининг таъсири*» деб номланган биринчи бўлимда кузги буғдой 15 октябрда экиш амалга оширилган бўлиб, уруғларни униши 11 кунда, ўсув даври 218-226 кунни ташкил этганлиги баён этилган.

Олинган маълумотларга кўра, кузги буғдой экишда маҳсулдор поялар сони ва бўйи назорат 1-вариантда 433,3 дона, 74,8 см; 2-варианда 466,3 дона ва 105,6 см; 3-вариантда 468,6 дона, 106,3 см; 4-вариантда 470,7 дона, 106,8 см; 5-вариантда 430,3 дона, 105,5 см; мақбул 6-вариантда 432,4 дона, 106,9 см ни ташкил этган.

Кузги буғдой ҳосилдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлари назорат 1-вариантда бошоқ узунлиги 5,8 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 4,9 дона, бошоқдаги донлар сони 14,7 дона, бир бошоқдаги донлар вазни 0,295 г; 2-варианда бошоқ узунлиги 8,5 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 16,2 дона, бошоқдаги донлар сони 45,3 дона, бир бошоқдаги донлар вазни 1,179 г; 3-вариантда бошоқ узунлиги 8,9 см, бошоқдаги донлар сони 46,7 дона, бир бошоқдаги донлар вазни 1,275 г; 4-вариантда бошоқ узунлиги 9,3 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 18,1 дона, бошоқдаги донлар сони 50,7 дона, бир бошоқдаги донлар вазни 1,322 г; 5-вариантда, бошоқ узунлиги 9,8 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 16,2 дона, бошоқдаги донлар сони 45,3 дона, бир бошоқдаги донлар вазни 1,366 г; мақбул 6-вариантда бошоқ узунлиги 10,0 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 18,8 дона, бошоқдаги донлар сони 52,7 дона, бир бошоқдаги донлар вазни 1,425 г юқори бўлганлиги баён этилган.

Кузги буғдой экишда назорат (N₀P₀K₀) ўғитсиз 1-вариантда (дон ва сомон ҳосили 12,7; 15 ц/га) донида N-1,723, P-0,182 ва K-0,239%, сомонида N-0,067, P-0,041 ва K-0,228%; маъдан ўғитлар (N₁₈₀P₉₀K₆₀) қўлланилган 2-вариантда (дон ва сомон ҳосили 55; 42,2 ц/га) донида N-2,134, P-0,953 ва K-1,250%, сомонида N-0,348, P-0,214 ва K-1,195%; маъдан ўғитлар (N₁₈₀P₉₀K₆₀) қўлланилган буғдойдан кейин такрорий экин - мош экилган 3-вариантда (дон ва сомон ҳосили 59,7; 43,4 ц/га) донида N-2,193, P-0,980 ва K-1,285%, сомонида N-0,358, P-0,220 ва K-1,228%; 20 т/га органик ва маъдан ўғитлар (N₁₈₀P₉₀K₆₀) қўлланилган буғдойдан кейин мош экилган 4-вариантда (дон ва сомон 62,2; 44,2 ц/га) донида N-2,294, P-1,024 ва K-1,343%, сомонида

N-0,374, P-0,230 ва K-1,284%; маъдан ўғитлар ($N_{180}P_{90}K_{60}$) қўлланилган буғдой билан беда экилиб, беда кўк массаси сидерат қилинган 5-вариантда (дон ва сомон 58,5; 39,8 ц/га) донида N-2,249, P-1,005 ва K-1,317%, сомонида N-0,367, P-0,225 ва K-1,260%; 20 т/га органик ва маъдан ўғитлар қўлланилган буғдой билан беда экилиб, беда кўк массаси сидерат қилинган мақбул 6-вариантда (дон ва сомон 61,3; 40,4 ц/га) донида N-2,323, P-1,038 ва K-1,360%, сомонида N-0,379, P-0,233 ва K-1,301% ни ташкил этганлиги таъкидланган (3-жадвал).

3-жадвал

Кузги буғдой ҳосилдорлигига органик ўғитлар ва дуккакли экинлар экишнинг таъсири, ц/га
(Жанубий деҳқончилик ИТИ тажриба майдони, 2016 – 2019 йй.)

Т/р	Вариантлар	Ҳосилдорлик, ц/га							Ўртача
		Дон			Ўртача	Сомон			
		Йиллар				Йиллар			
		2017	2018	2019		2017	2018	2019	
1	$N_0P_0K_0$	13,4	12,8	12,0	12,7	16,9	13,4	14,8	15,0
2	Фон – $N_{180}P_{90}K_{60}$	56,3	55,7	52,9	55,0	42,9	41,9	41,7	42,2
3	Фон+Мош	56,6	59,2	63,4	59,7	43,0	43,6	43,5	43,4
4	20 т/га органик ўғит+Фон+Мош	57,8	60,3	68,5	62,2	43,7	44,0	44,8	44,2
5	Фон+Беда $N_{180}P_{90}K_{60}$	56,4	48,4	70,8	58,5	30,0	28,3	45,0	34,4
6	20 т/га органик ўғит+Фон+Беда	58,6	50,8	74,6	61,3	31,2	28,9	45,4	35,0

Тажриба тизимидаги вариантлардан олинган дон ҳосили сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинганда назорат 1-вариантда 1000 дона дон вазни 19,7 г, натураси 737,8 г/л, оқсил миқдори 11,7%, клейковина миқдори 20,7%, ялтироқлиги 39,1%, ИДК 104,5, намлиги 10,1 %; 2-вариантда 1000 дона дон вазни 34,9 г, натураси 746,1 г/л, оқсил миқдори 13,4%, клейковина миқдори 23,9%, ялтироқлиги 42,1% юқори бўлиши, ИДК 103,0, намлиги 9,7 фоизни ташкил этган (4-жадвал).

4-жадвал

Органик ўғитлар ва дуккакли экинлар экишнинг дон сифатига таъсири
(Жанубий деҳқончилик ИТИ тажриба майдони, 2016 – 2019 йй.)

Т/р	Экин тури	Натура огирлиги, г/л	Оқсил миқдори, %	Намлик, %	Клейковина миқдори, %	ИДК	Ялтироқлиги, %	1000 дона дон вазни, г
1	$N_0P_0K_0$	737,8	11,7	10,1	20,7	104,5	39,1	19,7
2	Фон- $N_{180}P_{90}K_{60}$	746,1	13,4	9,7	23,9	103,0	42,1	34,9
3	Фон+Мош	748,4	13,5	9,6	24,7	100,0	43,2	35,5
4	20 т/га органик ўғит+Фон+Мош	751,1	14,2	9,4	26,0	93,1	54,1	38,5
5	Фон+Беда $N_{180}P_{90}K_{60}$	750,3	13,3	9,5	25,4	94,9	48,4	38,0
6	20 т/га органик ўғит+Фон+Беда	751,6	14,4	9,5	26,0	93,0	54,6	38,8

Дон ҳосилининг сифат кўрсаткичлари 3-вариантда 1000 дона дон вазни 35,5 г, натураси 748,4 г/л, оқсил миқдори 13,5%, клейковина миқдори 24,7%, ялтироқлиги 43,2%, ИДК кўрсаткичлари 100, намлиги 9,6%; 4-вариантда 1000 дона дон вазни 38,5 г, натураси 751,1 г/л, оқсил миқдори 14,2%,

клейковина миқдори 26,6%, ялтироқлиги 54,1%, ИДК 93,1 ва намлиги 9,4%; 5-вариантда 1000 дон дон вази 38,0 г, дон натураси 750,3 г/л, оксил миқдори 13,3%, клейковина миқдори 25,4%, ялтироқлиги 48,4%, ИДК 94,9 ва намлиги 9,5%; мақбул 6-вариантда 1000 дон дон вази 38,8 г, дон натураси 751,6 г/л, оксил миқдори 14,4%, клейковина миқдори 26,0%, ялтироқлиги 54,6%, ИДК 93,0 ва намлик 9,5% бўлган.

Мазкур бобнинг «Дуккакли экинлар ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва кимёвий таркиби» деб номланган иккинчи бўлимида, мош экилган 3-вариантда, дон ҳосили 6,08 ц/га (NPK 1,06; 0,734 1,32%); 4-вариантда дон ҳосили 6,23 ц/га (NPK 1,09; 0,74; 1,35%); беда экилган 5 ва 6-вариантларда жами кўк масса ҳосили 118 (NPK 2,595; 0,639; 1,468%) ва 120,76 (NPK 2,657; 0,654; 1,503%) ц/га бўлиши тўғрисида маълумот берилган.

Ўсув даври мобайнида бедани 3 марта ўрим ишлари олиб борилиб, кузда (14 октябр) беда парвариши давом эттирилган (суғориш орқали) ҳосил бўлган кўк масса (5 ва 6-вариантларда 18,59 ва 19,65 ц/га) сидерат қилинган.

Мазкур бобнинг «Дон ва дуккакли экинлар илдиз ва анғиз қодиқлари» деб номланган учинчи бўлимида илдизнинг шаклланиши, тупроқ қатламларида унинг миқдор жиҳатдан ортишини ёки камайишини ўрганиш мақсадида кузги муддатда илдиз ва анғиз қолдиқларини аниқланганлиги баён этилган.

